120994

Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!

# Туркистон

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси

1994 йил 27 август • Шанба • № 67 (14228) ترکستان TURKİSTAN Сотувда эркин нархда

## МУСТАҚИЛЛИК — БАХТ-САОДАТИМИЗ!

**Уни мустаҳкамлаш учун ҳар биримиз масъулмиз**

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

26 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Германиянинг мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Х. Гельдмахер бошчилигидаги "Крупп хёш интернейшнл" компанияси делегацияси аъзоларини қабул қилди.

Ислом Каримов Ўзбекистоннинг ташқи алоқлари ривожида Германия муҳим ўрин тутишини таъкидлаб, "Сименс", "Даймлер бенц" компаниялари, "Дойче банк" ҳамда "Конрад Аденауэр" жамғармаси билан ўзаро манфаатли муносабатлар ўрнатилганига эътиборни қаратди.

— Бу компаниялар қаторида жаҳонга машҳур "Крупп" фирмаси билан ҳамкорлик ҳам биз учун қувонарлидир, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Темир йўл, агросаноат, ер ости бойликларини қазиб олиш соҳаларида амалга оширилиши режалаштирилаётган ишлар ҳар икки томон учун ҳам фойдали бўлиши шубҳасиз. Юртимиз жаҳоннинг машҳур компанияларини ўзига жалб этаётгани бежиз эмас. Чунки бизда ҳамкорлик учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Ер ости ва усти бойликлари ҳам, эркин иш юритиш учун кафолат ҳам етарли.

Компания раҳбари Х. Гельдмахер самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, компанияси 1811 йилда ташкил этилганини, ҳозир дунёнинг 41 мамлакатида фаолият кўрсатаётганини, шунингдек, 250 дан ортиқ хорижий давлатларда фирманинг ваколатхоналари борлигини маълум қилди. Компания машинасозлик, саноат маҳсулотларини қайта ишлайдиган асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш, пўлат қуйиш, савдо ва бошқа соҳаларда иш юритаётганини қайд этди.

Қабул маросимида Бош вазир ўринбосарлари Ў. Султонов, Ю. Пайгин, Р. Юнусов ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

***

Шу куни Х. Гельдмахер бошчилигидаги "Крупп Хёш интернейшнл" компанияси делегацияси аъзолари республика Вазирлар Маҳкамасида ҳам бўлиб, Бош вазир ўринбосари Ю. Пайгин ва вазирликлар раҳбарлари иштирокида томонларни қизиқтирган масалалар юзасидан музокаралар ўтказди.

**(ЎЗА).**

## МЕҲНАТИМИЗ ҚАДРИНИ ТОПМОҚДА

Матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ хўжалиги соҳасини иқтисодий рағбатлантириш ва эркинлик бериш тўғрисида"ги фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "1994 йилги пахта ҳосили йиғим-теримини уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори биз деҳқонлар учун мустақиллик байрами олдидан катта совға бўлди. Мазкур ҳужжатларда пахта ва ғалланинг давлат харид нархи ошганлиги ҳамда бу йилги пахта ҳосил йиғим-теримини қисқа муддатларда ўтказиш, деҳқонларнинг моддий манфаатдорлигини янада ошириш қайд этилган.

Мана, республикамизда 1994 йил пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш оммавий бошланиб кетди. Хўжалигимиз деҳқонлари ҳам бу ишга туманда биринчилардан бўлиб киришдилар. Ниятимиз катта. Мавжуд 700 гектар майдондан давлатга 1600 тонна пахта топширишга бел боғлаганмиз. Терим олдидан далаларимизни обдон айланиб чиқиб, кўзланган марра эгалланишига тўла ишонч ҳосил қилдик. Айни пайтда хўжалигимизнинг Иншо Ҳасанов, Алишер Маҳкамов, Тўйчи Қобилов, Шариф Жумаев, Норқул Бегатов етакчилик қилаётган ширкатларда йиғим-терим уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Ҳозир қўл теримига зўр берилмоқда. Яқин кунларда машина теримига киришилади. 12 та терим агрегати сифатли созлаб қўйилган. Йиғим-терим қатнашчиларига республикамиз Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан ҳақ тўланмоқда.

**Искандар БЎРИЕВ,**
**Ғузор туманидаги "Наврўз" жамоа-ширкат хўжалиги директори.**

## КУНИГА 120 КИЛОГРАММДАН

Энг жанубий вилоят — Сурхондарёда "оқ олтин" йиғим-терими суръати кун сайин ошмоқда. Бу ерда анъанавий кўпмингкилограммчилик ҳаракати кенг тус олаётир. Ингичка толали пахтага ихтисослашган Ангор туманидаги "Навбаҳор" жамоа хўжалиги хирмонига шу кунгача 200 тоннадан ортиқ қимматбаҳо хом ашё тўкилди. Бунда кўпминг килограммчи дугоналар Малика Сувонова, Дилдора Хидирова ва Заҳро Сувоноваларнинг ҳиссаси катта. Улар кунига 110-120 килограммдан пахта термоқдалар.

Суратда: кўпмингкилограммчи Дилдора Ҳидирова.

**И. ХЎЖАЕВ сурати.**



### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШНИ КУЧАЙТИРИШГА ОИД ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Аҳолини муайян ижтимоий ҳимоялашга оид тадбирларни рўёбга чиқаришда кам таъминланган оилаларга давлат мададини, фуқаролар ўз-ўзини бошқарув органларининг кенг ва фаол иштирокини кучайтириш мақсадида:

1. Қўрғонлар, қишлоқлар, овуллар ва маҳаллаларнинг фуқаролар ўз-ўзини бошқарув барча органларида кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам бериш махсус жамғармалари ташкил этилсин.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзжамғармабанк икки ҳафта муддат ичида фуқаролар ўз-ўзини бошқарув органларига юридик шахс ҳуқуқи бериб, жамғарма банкининг тегишли бўлимларида махсус ҳисоб варақалари очсинлар.

2. Қуйидагилар кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам бериш махсус жамғармаларини ташкил этишнинг асосий манбалари қилиб белгилансин:

— 1994 йилнинг IV чорагига мўлжалланган республика бюджети маблағлари;

— Маҳаллий бюджетларнинг маблағлари;

— Бюджетдан ташқари манбалар — жамоат ва хайрия жамғармалари, корхоналар ва хўжаликларнинг маблағлари, фуқароларнинг ихтиёрий хайр-эҳсонлари ва бошқалар.

3. Қўрғонлар, қишлоқлар, овуллар, маҳаллаларнинг фуқаролар ўз-ўзини бошқарув органлари 1994 йилнинг 1 октябридан бошлаб кам таъминланган оилаларга моддий ёрдамнинг ана шу жамғармалари маблағларидан ҳар ойлик тўловлар тўласинлар.

4. Бунда шу нарса белгилаб қўйилсинки,

Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам қўрғон, қишлоқ, овул, шаҳарлардаги маҳаллалар фуқароларининг йиғини, йиғинни чақириш имкони бўлмаганда эса қўрғонлар, қишлоқлар, овуллар, кўчалари, турар жойлари, маҳаллалари фуқаролари вакиллари йиғилишининг қарорига кўра тайинланади;

Моддий ёрдам пули ҳар ойда оиланинг моддий ва мулкий аҳволига қараб, унга амалдаги энг кам иш ҳақининг 1,5 дан 3 (уч) бараваригача миқдорда тўланади.

Ўз-ўзини бошқарув органларига ажратилган ва фойдаланилмаган бюджет маблағлари олиб қўйилмайди ва фуқаролар йиғини (йиғилиши)нинг қарорига биноан аҳоли турар жойларини ободонлаштириш, газлаштириш ва сув билан таъминлашга, шунингдек, бошқа ижтимоий муаммоларни ҳал этишга сарфланиши мумкин.

5. Кам таъминланган оилага моддий ёрдам тайинлаш ва тўлашга оид қарор қабул қилиш чоғида ижтимоий адолат, рўй-ростлик, кенг ошкоралик қоидаларига риоя этилиши, ажратилган маблағлар аниқ мақсадни кўзлаб ва самарали фойдаланилиши учун мажбурий шартлар бўлиши зарур.

Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддат ичида кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам бериш учун маблағ топиш ва ундан фойдаланиш йўллари тўғрисида, ана шу маблағни қайси мақсадлар учун ажратиш ва тўлаш тартиби ҳақида қарор қабул қилсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари:

Бир ой муддат давомида шаҳарлар, қўрғонлар, қишлоқлар ва овуллардаги маҳаллаларнинг жойлашишини, уларнинг чегараларини, шунингдек оилалар ва аҳоли сонини аниқласинлар;

Шу йилнинг 1 декабрида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам бериш учун ажратиладиган маблағларни тақсимлаш ва улардан самарали фойдаланиш амалиётини такомиллаштиришга доир таклифларни тақдим этсинлар.

7. Кам таъминланган оилаларга тўлаш учун мўлжалланган бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлардан аниқ мақсадни кўзлаб фойдаланилишини назорат қилиш шахсан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманларнинг ҳокимлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг назорат-тафтиш бош бошқармаси зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ажратилаётган бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар фуқаролар ўз-ўзини бошқарув органларининг махсус ҳисоб варақаларига тўлиқ ва ўз вақтида ўтказилаётганлигини, ана шу маблағлардан аниқ мақсадни кўзлаб фойдаланилаётганлигини мунтазам текшириб, тафтиш қилсин ва ҳар чоракда ҳукуматга маълум қилсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернлар, корпорациялар, корхоналар ва ташкилотлар, хайрия жамғармалари ва тадбиркорлик тузилмалари мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, ўз маблағлари ҳисобидан кам таъминланган оилаларга бутун чоралар билан қўшимча ижтимоий ёрдам берсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир ҳафта муддат ичида кам таъминланган оилаларга моддий ёрдамнинг ана шу жамғармаларига маблағ ўтказаётган хўжалик ташкилотлари учун имтиёзли солиқ солиш тартибини ишлаб чиқсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда 1995 йилги бюджетнинг лойиҳасини тузиш чоғида шу йилнинг IV чорагида бюджет маблағларини тақсимлаш тажрибасини ҳисобга олган ҳолда кам таъминланган оилаларга ёрдам бериш учун зарур маблағларни ва ана шу маблағларни топиш манбаларини аниқласинлар.

10. Оммавий ахборот воситалари кам таъминланган оилаларга ҳар ойлик моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида телевидение, радио орқали ва матбуотда тушунтириш ишларини фаол олиб борсинлар, фуқаролар ўз-ўзини бошқарув органларининг аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашга оид фаолияти ҳақида жамоатчиликни кенг хабардор қилсинлар.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри
1994 йил 23 август

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

1. Ўзбек халқининг маънавияти ва маърифатини, миллий қадриятлари ва онгини юксалтириш йўлидаги беқиёс хизматлари учун мукофотлансин:

### "МУСТАҚИЛЛИК" ОРДЕНИ БИЛАН

**Абдулла Қодирий (Жулқунбой)** — халқ ёзувчиси (марҳум)

2. Фидокорона меҳнати, Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат вакиллари ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ишига қўшган шахсий ҳиссаси учун мукофотлансин:

### "ДЎСТЛИК" ОРДЕНИ БИЛАН

**Алиев Абдурасул** — Андижон вилояти Хўжаобод туманидаги қирғиз миллий маданият маркази раҳбари

**Афанасьева Ираида Дмитриевна** — Самарқанд шаҳридаги 45-мактаб директори

**Аҳмедов Бўри** — Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти бош илмий ходими, Тошкент шаҳри

**Ашírбеков Уббиниёз** — Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси

**Ашурова Мастурахон** — Тошлоқ тумани Б. Шерматов номидаги жамоа хўжалиги бригадири, Фарғона вилояти

**Аюпов Солиҳ Аюпович** — Яккасарой туманидаги "Яккасарой-2" маҳалла йиғини оқсоқоли, Тошкент шаҳри

**Орипов Тўхта Одилович** — "Ўзшаҳарқурилиш" ишлаб чиқариш бирлашмаси Қарши уйсозлик комбинати бригадири, Қашқадарё вилояти

**Бўронов Сулаймон** — "Муборакгаз" газ қазиб чиқариш бошқармаси "Кўкдумалоқ" кони бошлиғи, Қашқадарё вилояти

**Байрамова Зийнат Болтабоевна** — Қўшкўпир тумани О. Курбонов номидаги жамоа хўжалиги сут соғувчиси, Хоразм вилояти

**Воҳидов Эркин Воҳидович** — халқ шоири

**Жўраев Хурсанд** — 1-қурилиш-монтаж трести 253-механизациялашган кўчма колонна сувоқчиси, Сурхондарё вилояти

**Деҳқонов Олимжон** — вилоят сув хўжалиги бирлашмасининг етакчи муҳандиси, Фарғона вилояти

**Екель Теодор Давидович** — "Видергербург" немис миллий маданияти маркази раиси, Тошкент шаҳри

**Ёқубов Одил** — халқ ёзувчиси

**Жалолов Абдураҳмон** — Ромитан тумани Рудакий номидаги 24-мактаб директори, Бухоро вилояти

**Исроилова Зулфия** — халқ шоири

**Қайипбергенов Тўлепберген** — халқ ёзувчиси

**Камолова Ойим** — Қорақалпоғистон Республикаси хотин-қизлар қўмитаси раиси

**Қорибоев Кенжа** — Томди тумани "Томди" жамоа хўжалигининг "Жингилди" 2-фермасининг катта чўпони, Навоий вилояти

**Каримова Турсуной Раҳматуллаевна** — Андижон вилоят Фахрийлар кенгаши раиси

**Кучерский Николай Иванович** — Навоий кон-металлургия комбинати директори

**Мирзаев Маҳмуд Мирзаевич** — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг академиги

**Муҳаммаджонов Зокир** — халқ артисти

**Муҳаммадиева Норой** — Бахмал туманидаги 3-мактаб ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Орипов Абдулла** — халқ шоири

**Пак Виктор Тарасович** — Ўрта чирчиқ тумани Ким Пен Хва номидаги халқ корпорациясининг вице-президенти, Тошкент вилояти

**Рапиғалиев Бургутали** — Наманган вилояти ҳокими

**Раҳматуллаева Ҳамида Рихситиллаевна** — Тошкент тўқимачилик комбинатининг назоратчиси, Тошкент шаҳри

**Сафиулина Роза Юнисовна** — "Тошкентқурилиш" давлат-акционерлик қурилиш корпорацияси "Тошмахсуспардозқурилиш" трестининг 76-қурилиш бошқармаси бригадири

**Сигедин Виталий Николаевич** — Олмалиқ кон-металлургия комбинати директори, Тошкент вилояти

**Фармонов Тўхта** — "Ўзбекнефтгазгеология" давлат геология корхонаси Косон нефть-газ қидирув экспедициясининг бурғилаш устаси, Қашқадарё вилояти

**Фозилов Ҳосил Фозилович** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, Тошкент техника университети профессори

**Шоносиров Шоанвар Шоакбарович** — "Тошкентқурилиш" давлат-акционерлик қурилиш корпорацияси 12-трестининг 50-қурилиш бошқармаси бригадири

**Шубин Иван Семёнович** — В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси цех бошлиғи, Тошкент шаҳри

**Юлчураев Уммат Акчураевич** — Гулистон шаҳридаги 25-автопарк ҳайдовчиси, Сирдарё вилояти

**Юсупов Шукурулло** — халқ шоири

3. Ҳарбий бурчини бажариш, республикада миллий хавфсизликни таъминлаш ва жамоат тартибини муҳофаза қилиш чоғида жасурлик ва матонат кўрсатганлиги учун мукофотлансин:

### "ЖАСОРАТ" МЕДАЛИ БИЛАН

**Абдураҳмонов Шоймардон Қудратович** (марҳум) — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиси

**Омонқулов Оролбой Тошаевич** — Тошкент шаҳар Сирғали тумани ички ишлар бўлими жиноят-қидирув бўлими оператив вакили

**Аҳмедов Моҳиржон Хомидович** — Наманган вилоят Совет тумани ички ишлар бўлими жиноят қидирув бўлими бошлиғи

**Аҳметов Сейдулла** — Бухоро вилоят суди аъзоси

**Бобоёров Ғулом** — Жиззах вилоят суди раисининг ўринбосари

**Брагинский Владимир Семёнович** — Мудофаа вазирлиги артиллерия қўшилмаси командири

**Ғофуров Комил (марҳум)** — Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси бошлиғи

**Ғуломов Абдусамат Ваҳобович** — Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси жамоат тартиби хизмати профилактика бўлими катта инспектори

**Жуманов Марат Купаевич** (марҳум) — Мудофаа вазирлиги мото-ўқчи қўшилмаси командирининг ўринбосари

**Дўсмуродов Қувон Алиевич** — Қизириқ туман судининг раиси, Сурхондарё вилояти

**Жалолов Рашид Хурсанович** — Мудофаа вазирлиги авиация қисми командирининг ўринбосари

**Золотарев Сергей Кондратьевич** — Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми бўлинмаси бошлиғи

**Золотих Валерий Иванович** — Мудофаа вазирлиги авиация эскадрильяси командири

**Иброҳимов Жабборбек Тожиевич** (марҳум) — Тошкент вилоят Чирчиқ шаҳар ички ишлар бўлими маҳкамадан ташқари соқчилик бўлими ҳайдовчи милиционери

**Ирисов Баҳодир Саҳодиллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Қодиров Алишер Исмоилович** — Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси жиноят қидирув бўлими катта оператив вакили

**Хўжаназаров Алланиёз Султонмуродович** — Хўжайли туман суди раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Мавлонов Рашид Мажитович** — Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув бошқармасининг бўлим бошлиғи

**Мадаминов Маъмур Маҳмудович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Мадаминов Сайдулла Абдуқуддусович** — Мудофаа вазирлиги авиация қисми командири

**Маккамбоев Абдулатиф Абдутолибович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Маҳмудов Владимир Носирович** — Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти бошлиғи

**Мингбоев Убайдулло Қурбонович** — Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси

**Мирсафоев Сирожиддин Мирсафоевич** — Ўзбекистон Республикаси бош прокурорининг биринчи ўринбосари

**Носиров Аҳат Ҳамзиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Низомов Камолиддин Жамолович** — Мудофаа вазирлиги танк батальони командирининг ўринбосари

**Пайғамбаров Эсонбой Алимович** (марҳум) — Наманган вилояти Норин туман ички ишлар бўлими жиноят қидирув бўлинмаси бошлиғи

**Панов Валерий Евгеньевич** — Мудофаа вазирлиги учувчилар экипажи кема командири

**Покровский Александр Георгиевич** — Мудофаа вазирлиги артиллерия қўшилмаси командири

**Ражабов Абдуғаффор Абдуҳамидович** — Тошкент вилояти Бекобод шаҳар ички ишлар бўлими жиноят қидируви катта оператив вакили

**Раҳимов Ҳайдар Хўжаевич** — Мудофаа вазирлиги авиация эскадрильяси командирининг ўринбосари

**Ремизов Максим Евгеньевич** (марҳум) — Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг штурман-учувчиси

**Собиров Рўзибой Каримович** — Тошкент вилояти Бекобод шаҳар ички ишлар бўлимининг участка назоратчиси

**Савицкий Лев Васильевич** — Мудофаа вазирлиги авиация қисми командирининг ўринбосари

**Соболев Борис Николаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Соловьёв Олег Валентинович** — Мудофаа вазирлиги авиация қисми звено командири

**Сувонов Ўрол Чоршинбоевич** — Сурхондарё вилоят прокуратурасининг криминалист прокурори

**Сушевский Александр Михайлович** — Мудофаа вазирлиги вертолёт эскадрильясининг катта учувчиси

**Тошматов Баҳодир Ҳамидович** — Мудофаа вазирлиги алоҳида мотоўқчи батальони командири

**Федоренко Игорь Владимирович** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси алоқа хизмати бошлиғининг ўринбосари

**Филатов Александр Алексеевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ҳайдаров Нурмуҳаммад Абдуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасининг катта терговчиси

**Харламов Александр Николаевич** — Мудофаа вазирлиги ҳарбий ҳаво кучлари бўлим бошлиғи

**(Давоми 2-бетда).**

